

ЭЛЭКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА № 5

Яккабог туман

«19» январ 2022 й.

Яккабог Электр тармоклари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Ж.Кенжаев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Хокумати Узбекистон** (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истемолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **О.Анишовбек** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳакида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1.Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истемолчи"нинг буюртманомасига мувофик уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истемолчи" эса мазкур шартноманинг

1- иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини кабул килиб олиш ва илова килинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблаглар хисобидан ҳак тулашни уз зиммасига олади.

1.2.Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгаришилар киритишга хаклидирлар.

1.3.Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 33333 КВТ ташкил килади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истемолчи"нинг хукуклари:

а)"Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармокларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда саклашни;

в)электр энергияси истемолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) кайта таксимланишини "Таъминотчи"дан талаб килишга хаклидир.

г)электр тармокларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофик булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истемолчи" уз хошишга кура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофик булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни ва ҳакини тулашни рад этишга

г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани копланишини талаб килишга хаклидир.

2.2."Истемолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Хисобга олиш жойи электр тармокларининг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истемолининг хисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б)электр тармоклари, асбоб ускуналарининг тегишли техник холатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

в)электр энергиясини истемол килишнинг урнатилган тартибида риоя килиш хамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини хисобга олиш асбобларидағи носозликтар ҳакида "Таъминотчи"га хабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чикарувчи ускуналарининг иш режимига риоя килиш шартноманинг 4-иловасига мувофик;

д)истемол килинадиган электр энергиясини хисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларининг бутлиги ва сакланишини таъминлаш;

е)ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вактида амалга ошириш.

2.3."Таъминотчи" нинг хукуклари:

а)"Истемолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳакни тулашини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил хисоб-китобларни амалга оширишни;

б)шартомага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни "Истемолчи"дан талаб килишга хаклидир;

в) унинг вакили тегишли амал килиш муддати билан шахсий гувохномаси мавжуд булганда электр хисоблагичларни куриб текширади;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди хамда УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Карорига мувофик уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб килади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

а)конун хужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истемолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясинн электр тармокларининг булиниш

чегарасига етказиб бериш;

в)электр тармокларининг баланс буйича тегишилилек чегарасида электр энергиясининг сифат курсатгичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш З-иловага мувофик;

г)электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма коидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;

д)электр тармокларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камидан З сутка олдин огохлантириш;

е)электр энергиясидан асосиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташкири тухтатилиши сабабларини хабар килиш;

ж)"Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар килиш;

ж)жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вактини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар килиш;

3) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибида "Истеъмолчи"га билдириш.

и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя килинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Шартноманинг тузилган вактдаги умумий 14999850 баҳоси ЧН түрлөр шартномасини ташкил этилди сумни ташкил этади.
(сумда)

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
<u>14999850</u>	<u>14999850</u>	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари шартноманинг 1-иловасига мувофик тарзда амалга оширилади. Шартнома тузилган даврда 1 киловатт электр энергия тарифнархи сумни ташкил этади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг олдиндан 100 фоиз микдорида ойнинг 20-санасигача хак аванс тарикасида туланади,

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади. 1 (хисоб-китоб килиш шакли курсатилади)

1. 3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол килинганда туланган аванс маблаглари кайтарилмайди, балки истеъмол килинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истемолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аникланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га ойнинг 25-санасигача муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс буйича тегишилилек чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аникланади ва тўлов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Тақдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Хар хил тариф гурухига таалукли бир неча обьектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гурухига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир обьект буйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Кисман (тулик хажмда эмас) хак туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида кайси тариф гурухлари буйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гурухлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустакил белгилаш хукукига эга.

Электр энергияси истеъмоли хакида хисобот тақдим этилмагандан, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол щилинганди электр энергияси буйича кайта хисоб-китоб килган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблаглар кайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишили ойга ётказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми кийматининг 30 фоизидан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда ётказиб берилади. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси кийматининг 100 фоизи микдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Якуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (якуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортасин)

амалга оширилади."Истемолчи" да электр энергияси учун 30 кундан ортик (муддати юкорида курсатилган) муддати утган карздорлиги мавжуд булганда, аванс толови тарикасида туланган маблаглар муддати утган карздорликни бартараф этишга йуналтирилади ва аванс толови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истемолчи" бир неча тариф гурухига эга булса, у олдиндан толов хужжатида тариф гурухи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гурухлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустакил белгилаш хукукига эга.

3.9. Узил-кесил хисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган такдирда "Таъминотчи" "Истемолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истемолчи"лар бундан мустасно). Бир вактнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чищариб ташланган холда хизмат кўрсатувчи банк оркали хисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1.Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажарилиши керак.Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2.Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофик.

"Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истемолчи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга хаклидир, бу хакда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор килади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1 Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофик йул куйилади.

5.2. "Истемолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бирок унта дархол хабар берган холда электр энергияси беришни вактинча узиб куйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечикириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган холларда йул куйилади.

5.3.Электр энергияси истемолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси хажми кийматининг олдиндан 50 фоизини туламаганда; хисоб-китоб ойи тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истемол килинган электр энергияси учун туламаган карзи мавжуд булганда;

"Истемолчи" электр энергияси тармогига узбошимчалик билан уланганда ёки кувват шартномада көлишилган микдордан оширилганда;

"Устандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истемол килинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вакили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида хисоблаш приборларини куришга асосиз куйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб куйиш хукукига эга булади.

5.4."Истемолчи"да хисобга олиш прибори "Истемолчи"нинг айби билан шикастланганда;

хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки хисоблагичдан ташкири нагрузка уланганда; фойдаланилган электр энергияси учун хак белгиланган муддатларда туламаганда "Истемолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармогидан узиб куйилади;

5.5.Электр энергиясини узиб куйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида хавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб килиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тутрисида" ги 511-сон Карор низомининг 1-илбасидаги руйхатга киритилган) истемолчиларнинг гулов муддати утган карзлари вужудга келган такдирда хаки туламаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб куйиш эса факат суд карорига кура амалга оширилиши мумкин. 'Таъминотчи" ва "Истемолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартиоманинг узвий кисми хисобланади. (7-иловага мувофик)

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, 5 фоиздан куп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган холларда "Таъминотчи" "Истемолчи"га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартиоманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечикирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

6.2.Етказиб берилган электр энергияси хакини уз вактида туламагани учун "Истемолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган хар бир кун учун толов суммасининг 0,1 фоизи (махсус тартибга кура электр энергияси бериладиган корхоналар учун 0.2 фоиз) микдорида, аммо кечикирилган толов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3."Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланаётган узгаришишларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгаришилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортичка олиш деб хисобланмайди.

6.4.Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, коидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишлиchorаларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита хужалик судига мурожаат килишга хам хаклидир.

7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгаришига йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошкини, ва бошка табиий офтатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартнома икки томонлама имзолангандан кундан сунг Ғазначилик булимидан руйхатдан утгандан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал киласди.

9.2.Мазкур шартномага узгаришишлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.3.Мазкур шартномага хар кандай узгаришиш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тащдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тухтатилади.

X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминотчи»

Яккабог Электр тармоклари

Манзили: Яккабог шаҳри Амир Темур кучаси
тел\факс: 5825385

х/р: 22636000900177786351

банк номи: АТ Саноат-Курилиш банки
Карши мин.ф.

МФО: 00854

ИНН: 200 666 494


ОКОНХ: 11 170


Рахбар:  Ж.Кенжаев
(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.ў.




«Истеъмолчи»


(бюджет маблагларини олувчи номи)

манзили: 

тел\факс:

ш.х.р. 

СТИР:  ОКОНХ:

Ўз.Рес.Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р 23402000300100001010




Банк: Марказий банк Тошкент ш. ББХКМ

МФО 00014 СТИР: 201122919

Рахбар:

 (имзо)


(Ф.И.Ш.)

М.ў.

Ушбу 2022 йил «19» январ даги №5 сонли Яккабог туман электр тармоклари корхонаси билан Яккабог хокимиётидан ўртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1 сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни талабларига мос келади


Хукукшунос;



(имзо)

М.ў.




(Ф.И.Ш.)

2022 йил «19» Январ даги

№ 5 - сонли шартномага
1-сонли Илова

Яккабог туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида етказиб бериладиган электр энергияси қўввати бўйича

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Ойлар	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сўммаси
Январ	квт	33333	450	14999850
Феврал	квт	-	-	-
Март	квт	-	-	-
1-чорак жами	квт	33333	450	14999850
Апрел	квт	-	-	-
Май	квт	-	-	-
Июн	квт	-	-	-
2-чорак жами	квт	-	-	-
Июл	квт	-	-	-
Август	квт	-	-	-
Сентябр	квт	-	-	-
3-чорак жами	квт	-	-	-
Октябр	квт	-	-	-
Ноябр	квт	-	-	-
Декабр	квт	-	-	-
4-чорак жами	квт	-	-	-
Хаммаси 2021 йил	квт	33333	450	14999850

Яккабог электр тармоклари бошлиги:

Ж.Кенжаев Ж Кенжаев

(имзо)

(ФИО)

М.Ҷ.
YAKKABOG' TUMAN
ELEKTR TA'MINOTI
KORXONASI



Яккабог туман

Р.Иловов

(имзо)

(ФИО)

М.Ҷ.

